



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 3 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 177 (12.738)


Баҳоси эркин нарҳда



ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Бугун биз бошлаган улғу ишларнинг давомчилари бўлиш мана шундай йигитлар, қизларимизни, уларнинг бахту камолини кўриб, шундай гўзал юрtda, шундай ёруғ, мусавфo осмон остида яшаш насиб этганига барчамиз шукроналар айтамыз...

Ислом КАРИМОВ



БАРКАМОЛ АВЛОД БАЙРАМИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб «Ватанимиз тараққиёти — биз ёшлар кўлида» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунарга таълими бошқармалари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳудудий бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ўзбекистон белгиси» кўрак нишони соҳиблари, халқаро олимпиадалар, турли спорт мусобақалари, танловлар ғолиблари, фаол ёшлар иштирок этди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни юксак маънавиятли, теран тафаккурли, соғлом ва баркамол инсонлар этиб, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бунинг самарасида юртимизда ҳар йили юзлаб истеъдодли йигит-қизлар турли ижодий танловлар, лойиҳалар, грант дастурларида совринли ўринларни қўлга киритмоқда. Уларнинг муваффақияти нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатларда ҳам кенг эътироф этилмоқда.

«Ягонасан, муқаддас Ватаним, сеvgи ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Камолот» сардорларининг 23 тўхфаси» лойиҳаси доирасида турли танловлар, «Камолот» кўнлари, «Мустақиллик — менинг тақдиримда», «Ўзбек миллий кино санъати кўнлари», «Мустақилликнинг 23 иншооти» каби тадбирлар ўтказилди. Мазкур маънавий-маърифий тадбирлар ёшларни ягона мақсад — Ватанга муҳаббат, эл-юртга хизмат қилиш руҳида бирлаштиради. Тадбирда «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати» мавзусида ви-

деоролик намойиш этилди. Унда мустақиллик йилларида яратилаётган имкониятлар, билдирилаётган ишонч ва эътибор самарасида ёшлар халқаро фан олимпиадалари, ижодий ва интеллектуал танловларда, спорт мусобақаларида мунтазам ғолибликни қўлга киритаётгани тасвирланган. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида навқирон авлоднинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг онгу шуурини турли мафкуравий таҳдидлардан ишончли тарзда ҳимоялаш, бандлиги борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК ТИМСОЛИ

Пойтахтимиздаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Сеул боғининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги Минҳожиддин Ҳожи-матов, Сеул шаҳри вице мэри Им Жонг Сок, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Ли Ук Хён ва бошқалар пойтахтимиз марказида ташкил этилган кореёс маданияти боғи халқларимизнинг дўстлиги, ҳам-жиҳатлиги ва мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликнинг ёрқин тимсолига айланганини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йилда Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифи чоғида Тошкентда Сеул боғини ташкил этиш тўғрисида икки мамлакат пойтахти маъмуриятлари ўртасида битим имзоланган эди. Боғни барпо этиш ишлари Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида якунланди.

Сеул боғи Корея меъморчилиги ва ландшафт дизайни анъаналарини

ўзида мужассам этган. Ранг-баранг шийпонча ва айвонлар, сунъий ҳовуз ва дарахтлар пойтахтимиз аҳолиси ҳамда меҳмонларига кореёс халқи маданиятини ҳис этиш имконини бермоқда.

— Янги боғ бизга жуда манзур бўлди, — дейди Хадича Эгамбердиева. — На-бираларим билан боғни мириқиб айландик. Ёғочдан ясалган айвонлар қай-сидир жиҳатлари билан миллий айвон-ларимизни эслатади. Бу халқларимиз маданиятининг яқинлигидан далолат беради.

Ўзбекистон ва Корея санъат арбобла-ри иштирокидаги концерт дастури бу ерга ташриф буюрганларга байрамона кай-фият бағишлади.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов сўзга чиқди.

Б.ОБИДОВ,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий дав-латлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиши давом этмоқда.

● Жиззах олий ҳарбий авиация би-лим юртида Ўзбекистон Республика-си Мудофаа вазирлиги, ҳарбий ҳаво кучлари, Марказий ҳарбий округ масъул ходимлари, билим юрти офи-цер ва хизматчилари, курсантлар ва уларнинг ота-оналари, кенг жамоат-чилик вакиллари иштирокида курсант-ларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

● Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги байрами арафасида «Жиз-зах махсус индустриал» зонасида за-монавий ишлаб чиқариш субъекти — «Қуёш иссиқлик энергияси» Ўзбекис-тон — Хитой қўшма корхонаси фао-лият бошлади. 39 киши доимий иш билан таъминланган корхонада даст-лабки йили 15 минг дона, кейинчалик 50 минг дона қуёш батареялари ёрда-мида сув иситиш коллекторлари иш-лаб чиқарилади.

● Шу йилнинг 16-28 август кунла-ри Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтка-зилган II ўсмирлар Олимпиадасида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчилар орасида Фарғона вилояти вакиллари ҳам бор. Қўкон шаҳрида ана шу спортчиларни тақ-дирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● Норин тумани маркази — Ҳаққулбод шаҳрида қуввати 16300 кВАга тенг бўлган икки трансформа-торли «Камолот» нимстанцияси фой-даланишга топширилди.

● Хоразм вилоятининг Ҳазорасп ту-мани марказида маданият ва исти-роҳат боғининг ишга туширилиши ту-ман аҳлини беҳад қувонтирди. Боққа ўрнатилган бир нечта ўйингоҳ, турли ўйинлар қурилмалари, кўплаб савдо шохобчалари, шунингдек, сунъий қоп-ламали футбол майдончаси дам олув-чиларнинг мириқиб хордиқ чиқариш-лари йўлида хизмат қилади.


ЖАҲОНДА

● Малида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тинчликпарвар кучлари ко-лоннасининг минаяга дуч келиши на-тижасида тўрт нафар ҳарбий хизмат-чи ҳаётдан кўз юмди, ўн беш нафари жароҳатланди.

● Япония ҳукумати тўла таркибда истеъфода чикди. Эртага ҳукуматнинг янги таркиби эълон қилинади ва у мамлакат императори Акихито томо-нидан тасдиқланиши маросимидан сўнг, ўзининг расмий ваколатларини бажаришга киришади.

● Мексикадаги Толука шаҳри аэро-портидан саккиз километр узоқликда — етиб бориш қийин ҳудудда верто-лётнинг ҳалокатга учраши натижаси-да икки киши ҳаётдан кўз юмди.

● «Чегарасиз шифокорлар» халқ-аро ташкилотининг президенти док-тор Жоанна Лю БМТнинг конферен-циясидаги ўз маърузасида жаҳон мамлакатлари маъмурларини Эбола безгаги вирусининг тарқалиши муаммосини ҳал қилишда лозим даражада фаол қатнашмаётганликда айблади.



ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



БАРКАМОЛ АВЛОД БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Энг улуг, энг азиз байрамимизга бағишланган мазкур фестивалдан кўзланган асосий мақсад ҳам баркамол авлод таълим-тарбияси, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга атрофлича тушунтиришдир. Тадбир давомида ёшларнинг ижодий-интел-

лектуал қобилиятини намоён этишга яқиндан қўмаклашиш, йигит-қизларни яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланишга йўналтириш ва уларни эртанги кунимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш, мактаб, маҳалла ва мактабдан ташқари таълим масканларнинг ҳамкорлигини кенг йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди.

— Мамлакатимиздаги тинч, фаровон ҳаёт, берилаётган имкониятлар биз, ёшларни янада юқори чўққи-ларни забт этишга ундамоқда, — дейди «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиби, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети магистранти Наврўза Яхёева. — Навқирон авлоднинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ўтказилаётган

бундай тадбирлар тенгдошларимиз билан ўзаро билим ва тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокидаги концерт фестивалга янада фойз бағишлади.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди.

Барно МЕЛИКУЛОВА

Бахтиёр БАХРИНОВ,
«Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгашининг Фаол ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси:

— Гўзал пойтахтимизда ўтказилган «Ватан тараққиёти — биз ёшлар қўлида» номли ёшлар фестивалида иштирок этаётган энг иқтидорли, турли соҳаларда ютуқларни қўлга киритган ёшларимизнинг интилишларини қўриб, ҳавасингиз келади. Юртимизда ёшларнинг бор иқтидорини намоён этиш имконини берувчи турли хил кўрик-танловлар ўтказилиши уларга янада кўплаб имкониятлар эшигини очмоқда. Қувонарлики эса ёшларимиз барча соҳаларда юртимиз номини бугун дунёга ёйишмоқда. Албатта, бунинг замирида Юртбошимизнинг ёшларга қаратаётган эътибори ва уларга яратилаётган шарт-шароитлар мавжуд.

Мафтуна ИЛАСОВА,
Тошкент педагогика коллежи ўқувчиси, қиличбозликнинг рапира йўналиши бўйича икки нуфузли халқаро мусобақа ғолиби, уч карра Осиё чемпиони:

— Мен тўққиз ёшимдан спортнинг қиличбозлик тури билан шуғулланиб келаман. Утган йили Зулфия номдаги Давлат мукофоти учун ўтказилган танловнинг туман, шаҳар босқичи ғолиби бўлдим. Республика босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритдим. Келажакда ҳақларим Олимпия, жаҳон чемпиони номига сазовор бўлиб, юртимиз довуруғини дунёга танитишда ўз ҳиссамни қўйишдан иборатдир.

Нодира МУРАТОВА,
Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти битирувчиси, 2013 йилги «Камолот» стипендияси соҳибаси:

— Бугунги кунда гўзал диёримизда ёш авлодга қаратилган эътибор ва ғамхўрлик бизни янада қувонтиради ва ўз ўрнида катта масъулият ҳам юклайди. Сабаби, ўзим ҳам «Камолот» стипендиантига айланиб, ёшлар ўртасида тарбият ишларини олиб бораётганимга ука-сингилларимнинг кўзларидаги жўшқинлик, ўзларига бўлган ишончни қўриб, қувонаман. Демак, бугунги кунда иқтидорлар юзгага чиқиб, бизнинг ортимиздан ҳам минглаб ёшлар етишиб чиқмоқда. Кун кеча Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги бизга қарата айтган сўзлари барча ёшларни жонажон Ўзбекистонимизнинг янада раванг топиши йўлида фидокорона хизмат қилишга, билдирилган ишончни оқлаб, янада масъулиятли бўлишга ундайди.

Обиджон КОМИЛЖОНОВ,
«Менинг бизнес гоям» танловининг шаҳар, республика босқичи ғолиби:

— Бу йил «Камолот» ЁИХ томонидан ўтказиб келинган «Менинг бизнес гоям» танловининг аввал Тошкент шаҳар, сўнг республика босқичида иштирок этиб, ғолиб бўлиб, эллик миллион сўмлик кредитни қўлга киритдим. Бизнес гоямнинг асосий мақсади атроф-муҳитни чиқиндилардан тозалаш орқали инновацион гояларни йўналтирган ҳолда фойда ва самара қўришдан иборатдир. Юртимизда чет эллик етакчи мутахассислар, хорижлик ҳамкорлар иштирокида кўплаб семинарлар ўтказилмоқда. Жорий йилда Жанубий Кореянинг КОИКА ҳамкорлик агентлиги ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган семинарда қатнашиш имконига эга бўлдим. Бундай халқаро микёсдаги семинарлар менга тажрибамни, ўзимга бўлган ишончининг ортисида сабабчи бўлди. Юртимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида мен ва тенгқўрларим кўплаб ютуқларни қўлга киритмоқда.

СЎЗ — ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Абубакир АЛИМОВ,
Хитой Халқ Республикасининг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия уйинлари иштирокчиси:

— Кун кеча Хитой Халқ Республикасининг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия уйинларида ёш спортчиларимизнинг 4 та олтин, 3 та кумуш, 3 та бронза медалини қўлга киритгани замирида юртимизда спортга қаратилган эътибор ва ғамхўрлик мукассам. Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги: «Азиз фарзандларим, ҳеч қачон унутманг: сиз эришган марра ва ютуқларингиз халқимиз, элимиз эришган ютуқлар деб ҳисоблайман, сизнинг бугунги ва эртанги кунингиз янада ёрۇғ бўлиши учун бор кучимни аямайман», деган сўзлари бизга янада қанот бағишлади. Биз ёшларга спорт соҳасида билдирилган ишончни оқлашга ваъда берамиз.

Равшан МАКСУДОВ,
Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси:

— Коллежда икки йил ўқиб мобайнида веб дастурлаш ва дастурлаш бўйича кўплаб танловларда қатнашиш ва ғолибликни қўлга киритиш имконига эга бўлдим. «Юрт келажиги» кўрик-танловининг шаҳар босқичида биринчи ўринни эгалладим. Бизни кўлаб-қувватлаётган ва шу даражага етишимизда саъй-ҳаракатларини аямаятган устозларимизга катта миннатдорчилик билдираман. Юртимизда ёшларга ҳар томонлама шарт-шароитлар яратилган. Кўплаб танловлар уларнинг иқтидорини аниқлашга ва рағбатлантиришга хизмат қилиб келмоқда. Яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиш бизнинг бурчимиз. Келгусида билимимни янада ошириб, Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари ривожига ўз ҳиссамни қўшаман.

Шохрух ШОДМОНОВ,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси:

— Энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги шукҳи дилларни фахр-ифтихорга тўлдирган кунларда мана шундай катта байрам тадбирининг ташкил этилишини биз ёшларга улкан эътибор ва ғамхўрликнинг бир намунаси деб биламан. Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимда биз ёшларга қарата айтган сўзларини эшитганда кўнглим гурурга тўлди, шу юрт фарзанди эканимдан фахрландим. Мен шу кунгача 2012-2013 йилда Республика микёсда ўтказилган педагогика ва инглиз тили бўйича фан олимпиадасида ғолибликни қўлга киритдим. Изланишларим натижаси эса ҳозирда иш олиб бораётган «Универсал — ўзбек ўйинчоғи» лойиҳасида акс этмоқда. Мақсадим ҳажжи ўйил-қизларга миллий руҳдаги, янги, замонавий, зарарсиз енгил маҳсулотлардан ўйинчоқлар яратиш, келажакда ўз соҳамнинг етук мутахассиси бўлиб, она-Ватанимга хизмат қилиш.

Бехзодбек БОЛТАЕВ,
Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти талабаси:

— Биз ёшларга қаратилган катта эътибор ва ғамхўрлик, яратилган шарт-шароитлар биздан ҳам катта масъулият билан ҳар бир ишга ёндошиш,

ўқиш-ўрганиш билан бирга янги-янги лойиҳаларга қўл уриш, тенглар ичра тенг қадам ташлашга қаҳиради. Мен 2013 йилда 47-Халқаро Менделеев олимпиадасида иккинчи ўринни эгалладим, 45-халқаро кимё фани олимпиадасида эса ғолиб бўлиб, олтин медалини қўлга киритдим. Изланишларим натижаси юқори баҳолини 2013 йилда Мустақиллик байрами арафасида «Шухрат» медали билан мукофотландим. Ўша вақтдаги ҳаяжон, бахт ва кўтаринчиликни ҳозир ҳам ҳис этаман. Бу мукофот менга бир қанот бўлди. Насиб этса элу юртимиз соғлиғи, фаровонлиги йўлида хизмат қилиб, мустақил Ватанимизга муносиб фарзанд бўламан.

Жамилбек ХОЛИҚУЛОВ,
Тошкент Давлат техника университети магистранти:

— Ёшлар фестивали иштирокчиси бўлганимдан бахтиёрман. Дарҳақиқат, биз ёшларга бугун ҳавас қилариз. Юзу кўзларида бахтиёрлик, қувонч шодлик уфуриб турган тенгдошларининг кўрғанда улар сафиди шу юртининг ишончи-умиди, ёш авлоди эканингдан беҳтиёр тўқилганини кетасан. Мен 2011 йилда талабалар учун таъсис этилган Беруний стипендияси соҳиби бўлдим. Ҳар йили ўтказилган турли танлов, тадбир, кўргазмаларда фаол қатнашиб келаман. 2014 йилда «Юрт келажиги» кўрик-танловида «Рационализаторлик тақлифи ва техник ишланмалар» йўналишида ғолибликни қўлга киритиб 1-ўрин соҳиби бўлдим.

Ромия АБДУРАСУЛОВА,
Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси:

— Юртбошимиз раҳнамолигида биз ёшларнинг таълим-тарбияси, ҳар томонлама етук инсон бўлиб вояга етишимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Фақат ундан умумли, мақсадли фойдаланиш, илм олиш, изланиш, янгиликка интилиш зарур. Мен ҳам ўз устимда ишлаб, юқори марраларни қўлга киритишни олдимга мақсад қилиб қўйганман. 2014 йилда Франция ва Германия лойиҳасида иштирок этиб 1-ўринни эгалладим. Архитектура йўналишида қатнашиш бораборида билимларимни ошириб, кўплаб дўстлар орттирдим. «Юрт келажиги» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ғолиби бўлдим. Келажакда бизга яратилган имкониятлардан ўринли фойдаланган ҳолда янги-янги либослар дизайни бўйича иш олиб бориш, албатта ўзлимиз, миллий қадриятларимиз, аъёнларимизни уйғунлаштирган ҳолда Ватанимизни дунёга танитиш асосий мақсадимдир.

Сабина БЕРДИЕВА,
Тошкент Давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик лицейи ўқувчиси:

— Беш ёшимдан бошлаб рақс санъатига қизиқиб, тўғарақларга қатнашиб келаман. Санъат йўналиши бўйича «Янги авлод» ёшлар фестивалида лауреат бўлдим.

Бу муваффақиятлар менга қанот бўлди, янги орзу-ниятларга йўл очиб, ўз устимда кўпроқ ишлаш, ўқиш, интилишга қорлади. Турли танловларда қатнашиб, янги марраларни забт этиш имкониятига эгаллигим, шу озода ва обод Ватан фарзанди эканимдан ниҳоятда бахтиёрман.

Шоира МУҲАМЕДОВА ва
Зиёда РАСУЛОВАлар ёзиб олди
Ислам Исмоилов олган суратлар

Мафтунингман, Ўзбекистон!

ДУНЁ САЙЁҲЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНГА ИНТИЛМОҚДА

Мамлакатимизни кўриш, халқимизнинг бой маданияти ва аъёнлари билан танишиш, ҳушманзара табиатимиздан баҳра олиш мақсадида юртимизга келаятган сайёҳлар, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш ниятидаги хорижлик ишбилармонлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. ЎЗА мухбири уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Клеменс КОХ (Германия):

— Тошкентда аввал ҳам бўлганман. Бу йилги сафарим Мустақиллик байрами арафасига тўғри келганидан хурсандман. Ҳамма ерда байрамга кенг тайёргарлик қўрилайтгани жуда қувонарли. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини юксалтириш борасида катта ислохотлар амалга оширилаётгани ва бу ишларнинг қамрови тобора кенгайиб бораётгани қувонарли. Сайёҳларни кутиб олиш, замонавий меҳмонхоналарга жойлаштириш учун зарур шароит ва имкониятлар муҳайб. Тарихий обидаларга саёҳат, миллий ҳунармандлик ва халқ амалий санъати буюмлари намуналари билан таништириш ишлари юксак даражада ташкил этилгани ҳам эътиборга молик.

Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик ҳўкм сураётгани, мусавфо осмонингизда осудалик неъмат акс этаётгани, халқингиз фаровон ва саодатли ҳаётдан баҳраманд бўлаётгани ҳавас қилувликдир. Бежиз Ўзбекистонни жаннатмонанд ўлка, деб атамайди.

Вейшенг ХУН (Хитой):

— Ўзбекистон мустақилликка эришганига ҳали кўп бўлмаган эса-да, унинг иқтисодиёти жадал тараққий этаётгани барчага маълум. Мамлакатингизнинг халқаро майдондаги ўрни мустаҳкамланиб, нуфузи тобора ошиб бормоқда. Ўзбекистон улкан иқтисодий салоҳиятга эга, шу боис дунёнинг кўплаб давлатлари у билан ҳамкорликни кенгайтиришга интиломоқда, етакчи фирма ва компаниялар бу ерга сармоя киритишга қизиқиш билдиришмоқда.

Мамлакатингизда бошқа соҳалар катори банк тизими ҳам барқарор ривожланмоқда, молиявий муассасалар фаол ва муваффақиятли иш олиб бормоқда. Касбим иқтисодичи бўлгани боис турли мамлакатларда бу соҳанинг ривожланиши билан қизиқаман. Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар ва бўрли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда ва катта ютуқларга эришаётир.

Ўзбекистонда хитой тилида билйон сўзлайдиган ёшлар кўп экан. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганидан далолатдир.

Одилон КЛЕМАН (Франция):

— Ўзбекистон қадимдан жаҳон илм-фани марказларидан бири бўлган. Бу ерда дунёнинг турли мамлакатларидан келган илму толиблар турли соҳалар бўйича таҳсил олган, улар орасидан жаҳон илм-фани, маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган кўплаб олим уфузалар етишиб чиққан. Шаҳарларингиздаги ноёб қадимий ёдгориликлар ва бетакор меъморий обидалар билан танишган ҳар қандай киши мамлакатингиз нақадар бой тарихга эга эканига ишонч ҳосил қилади.

Ҳар галги сафарим давомида мамлакатингизда улкан ўзгаришлар рўй бераётганига гувоҳ бўламан. Тошкент йилдан-йилга ўзгача қиёфа касб этиб бормоқда. Бу ерда муҳташам бинолар, улкан спорт иншоотлари қад ростлаб, кўплаб замонавий таълим масканлари барпо этилмоқда, тарихий обидалар таъмирланмоқда. Ҳар қадамда турли хил ва кўринишдаги дам олиш масканлари, ресторан ва қаҳвахоналар, супермаркет ва йирик савдо марказларини учратиш мумкин. У ерларда кўрсатилаётган юқори сифатли хизмат ҳар қандай таъби нозик сайёҳга ҳам манзур бўлиши шубҳасиз.

Софрония МАРИНАТОС (Греция):

— Ўзбекистонда санъатни ривожлантиришга, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, миллий мусиқани чуқур ўрганиш ва янада тараққий эттиришга қаратилган эътиборга ҳавас қилса арзийди. Бунга мен Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида иштирок қилиш чоғида амин бўлганман.

Санъат азалдан кишиларни эзгуликка қорлаб, юксак инсоний фазилатларни улуглаб, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликка даъват этиб келади. Мамлакатингизда бундай анжуманларнинг ўтказилиши биз яшайтган ўта мурраккаб замонда халқлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, ҳаётбахш мусиқа оҳанглари орқали одамлар қалбига эзгу инсоний туйғуларни уйғотиш, муштарак томирларни бир-бирига пайванд этиш каби олижаноб мақсадларга хизмат қилади.

Амэндо КОРЕЛЛИ (Италия):

— Ўзбекистон, кўркам ва қадимий шаҳарларингиз бугун дунё сайёҳларини ўзига қорламоқда. Юртингиздаги тарихий ёдгориликлар ва замонавий шаҳарларни томоша қилиш, халқингизнинг ранг-баранг маданияти ва аъёнлари билан танишиш, ҳушманзара табиатингиз фусункорлигидан баҳра олиш мақсадида мамлакатингизга келаятган сайёҳлар сони йил сайин ортиб бораётгани бунинг тасдиғидир.

Ўзбекистонда аждодлардан қолган бой маданий меросини — тарихий обидаларни таъмирлаш ва асраб-авайлаш, цивилизациянинг юксалишига беназир ҳисса қўшган алломаларнинг номини тиклаш, илмий меросини ўрганиш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилгани таҳсинга сазовор. Ўзбекистон асрлар давомида бунёд этилган қадимий ёдгориликларга бой минтақадир. Бу ердан Шарқни Фарб билан боғловчи Буюк Ипак йўли ўтган. Юртингизда миллий аъёнлар руҳи билан сугорилган кўплаб замонавий меъморий мажмуалар бунёд этилгани жуда ҳайратланарлидир. Зотан, маънавияти юксак, илму адабда етук элнинг фарзандлари ҳам ҳурури бандан бўлиб камол топиши шубҳасиздир.

Ирода УМАРОВА
ёзиб олди

Пойтахтимизда 2014 йилнинг 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган II ўсмирлар Олимпиадасида муваффақиятли иштирок этган бир гуруҳ ёш спортчиларимизни шарафлашга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда ёш спортчиларимиз билан биргаликда уларнинг ота-оналари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, журналистлар иштирок этди. Тадбирда Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири М.Хожиматов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, Юнусобод тумани ҳокими Ш.Азимжонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш

Нанкин — 2014

ЁШ СПОРТЧИЛАР ШАРАФЛАНДИ

мақсадида спортни ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор юксак самара бераётганини алоҳида таъкидлади. Бу спортчиларимизнинг жаҳон ареналарида эришаётган муваффақиятларида ўз ифодасини топмоқда.

Нанкин Олимпиадасида 28 нафар ёш спортчиларимиз бадий гимнастика, бокс, дзюдо, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузши, таэквондо (WTF), трамплин, ўқ отиш, академик эшак эшиш, байдарка ва каноэда эшак эшиш, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ташкил этилган мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 4 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритгани Энг улуг, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига муносиб тўхфа бўлди.

Тадбирда II ўсмирлар Олимпиадасида иштирок этган пойтахтлик ёш спортчилар ва уларнинг оила аъзоларига эсдалик совғалари топширилди.

Бундай тадбирлар спортчиларни янада юксак ғалабаларга илҳомлантиради, — дейди II ўсмирлар Олимпиадаси совриндори Темура Қодиров. — Халқаро мусобақаларда Ватан шарафини ҳимоя қилиш ҳар бир спортчи учун катта бахт ва менга ҳам шундай қувонч насиб этганидан жуда хурсандман.

Ўғлим Владимир Олимпиада олтин медалини қўлга киритганини эшитиб, кўзимга қувонч ёшлари келди, — дейди Оксана Свечникова. — Она учун фарзандини эл-юртга наф келтирадиган, Ватанига садоқатли инсон бўлиб вояга етказишдан ортиқ бахт йўқ. Мен ўзимни бахтли она ҳисоблайман. Фарзандларимизнинг баркамол бўлиб вояга етгаётгани Президентимиз Ислам Каримовнинг ёшларга қаратаётган алоҳида эътибори, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва етарли шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар туфайлидир.

Жавохир ТОШҲУЖАЕВ,
ЎЗА мухбири

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

КУРСАНТЛАР ҚАСАМЎДИ

Мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга ҳисса қўишни касб сифатида танлаб, шу йўлда садоқат билан хизмат қилаётган ёшларимиз сафи кенгайиб бормоқда.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ана шундай ёшлар тахсил олаётди. Мазкур олий ҳарбий таълим муассасасига ҳар томонлама чиққан ва билимли ўғлонлар ўқишга қабул қилинади. Энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кунинда билим юртининг биринчи босқич курсантлари Ватанимиз ва халқимизга, Президентимизга садоқат билан хизмат қилишга қасамёд қилди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти Васийлик кенгаши аъзолари, Тошкент ҳарбий округи қўмондонлиги, ота-оналар иштирок этган мазкур маросимда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган улкан иш-хотлар ўзининг юксак самарасини бераётгани, ҳарбий қисм ва муассасаларда ёшлар учун барча шарт-шароит яратилгани таъкидланди.

— Тўнгич ўғлим ҳарбийлик касбини эгаллашга бел боғлаганидан хурсанд бўлдим, — дейди курсант Одилжон Ёқубовнинг отаси подполковник Ориф Камолов. — Ўғлим келажақда Ватанимиз равишан ва тинчлиги йўлида ўзининг муносиб улушини қўшадиган инсон



бўлишга аҳд қилганидан мамнунман.

Шу кун пойтахтимиздаги «Ватанга қасамёд» монументи ёнида Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультети курсантларининг ҳарбий қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди.

Тегишли вазирлик ва идоралар, жамоатчилик вакиллари, курсантларнинг ота-оналари иштирок этган тантанали тадбирда олий ҳарбий таълим муассасаларида офицер кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ҳарбийлар саломатлигини мустаҳкамлаш, касб нуфузини юксалтириш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани ёшларнинг соҳага бўлган қизиқиши ва интилишини ошираётгани таъкидланди.

З.ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбири

Асқар Ёқубов (ЎЗА) олган сурат

Республика юристлар малакасини ошириш марказида «Ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва масъулияти» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар, жамоат бирлашмалари, таълим муассасалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот тадбирларини амалга оширишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, бу ишга фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 1379 та оммавий ахборот воситаси фаолият юритиб келмоқда. Ахборотнинг жамият ҳаётидаги роли, шахс ва жамият тараққиётига таъсири сезиларли даражада ошди. Мустақиллик йилларида ОАВ фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ахборот олаш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воси-

талари тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар билан мустаҳкамланди. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни миллий медиа-со-

қароларнинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий тарғибот орқали тез шаклланади, ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишда эса оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёс.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Шўхрат Дехқоновнинг «Журналистика соҳаси равишан йўлидаги янги қонун лойиҳалари», «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасининг бош муҳаррири Қўқор Норқобилнинг «Жамият аъзоларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситалари, хусусан, «Инсон ва қонун» газетасининг ўрни» мавзусидаги ва бошқаларнинг

Анжуманлар

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ОАВНИНГ ЎРНИ

ҳада қонун ижодкорлигининг муҳим жиҳатларидан бири бўлди.

Тадбирда юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ахборот майдонида соғлом рақобат муҳитини яратиш, фикрлар хилма-хиллигига эришиш, матбуот минбари орқали барча ижтимоий қатламларнинг фикр ва қарашларини ифода этиш, шакллантиришда ОАВларнинг ўрни ва масъулиятини яна бир бор аниқлаш билан изоҳлаш мумкин. Айнан бу ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришга хизмат қилади. Мазкур жараёнда фу-

маърузалари тингланди.

Анжуманда оммавий ахборот воситалари эркинлигини янада мустаҳкамлаш, муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ҳамда механизмларини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини самарали жорий қилиш, ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишда ОАВ масъулиятини янада ошириш каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зарина РУСТАМОВА

МАҲАЛЛАДА ШОДИЁНА

Миробод туманидаги «Янги Миробод» маҳалла фуқаролар йиғинида «Қутлайман юракдан Ўзбекистоним!» деб номланган маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Миробод туман ҳокимлиги томонидан уюштирилган тадбир «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида бўлиб ўтди. Унда қатор ташкилот ва муассасалар, матбаа-нашриёт ижодий уйи, нодавлат нотижорат ташкилотлар, маҳаллалар вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

— Истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, кўна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, мустақиллик Ватанимиз учун чинакам маънавий юксалиш даври бўлганини фахр билан ифода этиш жоиз, — дейди Маънавият тарғибот маркази Миробод туман бўлими раҳбари Нигора Шакирходжаева. — Ушбу маънавий-маърифий тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, халқимизни шукухли кунларда байрамона кайфият тарқ этмаслигини таъминлашдан иборат. Туманимиздаги барча маҳаллаларда, қорхона-ташкilotларда Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги кенг ва муносиб тарзда нишонланди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, 1994 йилда ташкил топган «Янги Миробод» маҳалласида

бугунги кунда 1500 нафар аҳоли тинч-тотувликда яшаб келмоқда. Маҳалла ҳудудида замонавий талаба жавоб берадиган болалар ўйингоҳи ва спорт майдончаси уларнинг сеvimли масканига айланган. Шу ўринда айтиш жоизки, маҳалла ҳудудидаги 11 та кўп қаватли уйларнинг барчасида Мустақиллик байрамига ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш дастурига биноан ишлар амалга оширилди.

— Миробод туманидаги маҳаллаларда Энг улуг байрамга бағишланган давра суҳбатлари, аҳоли билан учрашувлар, тарғибот тадбирлари ўтказилди, — дейди Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик sanoati тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси республика Кенгаши раиси ўринбосари Акмал Умаралиев. — Унда туман фахрийлари, маҳалла фаоллари, жамоат ташкилотлари вакиллари ва ёшларимиз иштирок этишди.



Тадбир давомида 8-12 ёшли ўсмирлар ўртасида спорт мусобақаси ташкил этилди. Кўтаринки руда ўтган футбол беллашувларини томоша қила туриб, эртаминг эгаларининг юксак билимли, соғлом ва бақувват тарзда вояга етишларига яратилган имкониятларнинг бисёрлигидан қувондик. Футбол мусобақаси иштирокчиларига ҳомийлар томонидан совғалар тақдим этилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темирйўл компанияси Марказий темирйўлчилар маданият саройининг бир гуруҳ санъат усталари, ёш ижрочиларининг дилтортар куй-қўшиқлари ва рақосаларининг чиқишлари байрам тадбирига ўзгача руҳ бағишлади.

Замира РАҲМОНОВА
Ислам Исмоилов олган сурат

Архивлар фаолиятини

ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН БАЗАСИНИ ЯРАТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Замонавий ахборот

технологияларининг ривожланиши бир қатор архив иши масалаларини қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Хусусан, ҳужжатларнинг бут сақланишини таъминлаш, маълумотларни тез фурсатда қидириб топиш ва архив ахборотли ҳужжатларидан фойдаланиш турларини такомиллаштириш шулар жумласидандир.

Архив ҳужжатлари ҳажмининг ортиб бориши бугунги кунда барча архивлар учун долзарб саналади. Ушбу ҳужжатларни қидириб топиш учун эса кўп ҳолларда узоқ вақт кетади. Мазкур муаммони ҳал этишда ҳужжатларни рақамли асосларга кўчириш ва қидирув тизимини яратиш орқали маълумотларнинг электрон базасини яратиш яхши натижалар беради. Бу йўналишда Тошкент шаҳар Давлат архивида шахсий таркиб ҳужжатларининг электрон базасини яратиш борасида маълум тажриба юзага келмоқда.

Тошкент шаҳар Давлат архиви 1973 йилда ташкил этилган. Хозирги кунда архивда 1698 турли хил ташкилотларнинг архив фондлари сақланмоқда, ҳужжатлар ҳажми 500 000 сақлов бирлигидан ортиқ. Улардан 355 мингтаси бошқарув ҳужжати ва 175 мингдан ортиқ шахсий таркиб ҳужжатларидир.

Бугунги кунда архив нафақат давлат ташкилотлари, балки бозор муносабатлари талабларини йиғиб олаб, нодавлат ташкилотлари ҳужжатлари билан ҳам жамлашиб бормоқда. Архив икки томонлама шартнома асосида нодавлат юридик шахслардан депозитар сақловга «ҳодимлар фаолиятига доир» ҳужжатларини сақловга қабул қилган.

Шахсий таркиб ҳужжатлари маълумотлар базасини яратиш мақсадида архив 2010 йилдан бошлаб электрон қидирув тизимини ишлаб чиқишни бошлаган. Архив фаолиятини ахборотлаштириш асл ҳужжатларни рақамли асосларга ўтказиш, архив ҳужжатлари электрон нусхаларини фойдаланувчиларга бериш ва мавжуд фондлар электрон картотека (руйхати)ни тузиш орқали амалга оширилмоқда.

Архивнинг ушбу йўналишдаги иш тажрибаси қозғо ҳужжатларидан қўра электрон маълумотлар базасини қулайлигини қўйидагича ифодалади:

1. Иқтисодий самарадорлиги. Электрон маълумотлар базасини ташкил этиш қозғо ҳужжатларини қидириб топиш ва улар билан ишлашга кетган вақт сарфидан қўра анча арзон тушиши.

2. Оперативлиги. Электрон маълумотлар базаси ҳужжатларнинг электрон шакллари билан тез олиб ишлатиш имконини беради. Архивдаги барча маълумотлар аниқ тизимлаштирилган — керакли маълумотни қидириб топиш, ундан ксеронусха олиш, принтердан чоп этиш маълум бир сония вақтини олади. Ҳужжатлардан фойдаланиш самарадорлиги электрон архивнинг қўйидаги қулайликлари: у ёки бу хусусиятга қўра (масалан, ташкилотнинг номлини, ҳужжат тури ёки даври) тез қидириб топиш, мавзулар бўйича саралаш ва даврларга ажратиш имкониятини беради.

3. Ишончлиги ва узоқ вақт сақланиши. Барча рақамли ҳужжатлар вақт ўтиши билан ўзининг фойдаланиш сифатини йўқотмаслиги билан характерланади. Ҳужжатларнинг электрон нусхасини сақлаш учун юқори сифатли дисклардан фойдаланилади. Электрон асосларни алмаштириш кафолат йилидан олдин амалга оширилади. Бу ҳолат шиддат билан техника воситаларининг ривожланиши, янгиланиб бориши билан боғлиқ. Қозғо асосидаги ҳужжатлар эса бир неча 10 йилдан сўнг фойдаланиш оқибатида жисмоний зарарланади. Шу билан бирга ҳужжатларнинг электрон базасини яратиш асл қозғо ҳужжатларини сақлаш мuddатини ошириши билан бирга уларнинг зарар қўришининг ҳам олдини олади.

4. Фойдаланиш имкониятларининг чексизлиги ва масофавий кириб қўриш. Электрон ҳужжатлардан фойдаланишда қозғо ҳужжатларидан фарқи равишда бир вақтнинг ўзида ҳужжат билан турли компьютерларда бир неча ходим ишлаш имкониятини беради.

Ҳужжатларнинг электрон шаклини яратишда турли хил дастурий таъминотлардан фойдаланилади. Бунда иш юритишда бир тизимдаги ташкилотларнинг турли хил дастурларни ишлатиши уларни фондлаштиришда маълум муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Бир қатор идораларда электрон ҳужжат алмашинуви ва «электрон архив» тизими жорий этилмоқда. Биз архивларни энг аввало, маълумот ахборот базаси сифатида фойдаланиш мумкин бўлган, биринчи навбатда электрон архив ва ҳужжат алмашинуви тизимининг ҳисоб маълумотлари базаси кизиқтиради. Бундан ташқари, ташкилотларнинг электрон архивлари тайёр фойдаланиш фонди сифатида хизмат қилиши мумкин. Бу билан боғлиқ асосий муаммо, юқорида айтиб ўтилганидек, ташкилотларнинг турли хил дастурий таъминотлардан фойдаланишида. Энг оддий ҳолда электрон ҳужжат алмашинуви тизими фақатгина ҳужжатнинг ҳисоб картчасини ўз ичига олади, мураккаб қозғо тизимларда — электрон картчага ҳужжат ёки матн қўшиб юклатилади.

Умуман олганда, архивлар фаолиятини ахборотлаштириш нафақат жамиятнинг ахборот олишига бўлган талаби ошиб бориши билан боғлиқ бўлган жараён, балки бу тез ўзгарувчи ахборот маконида давр талабига мослашиши шарт бўлган архив соҳасининг талабларидан ҳам келиб чиққан зарурат ҳисобланади.

Феруза ДАДАЕВА,
Тошкент шаҳар Давлат архиви директори

Ушбу классик вокаль гуруҳи бир неча йиллардан бери халқаро маданият карвон саройида фаолият олиб боради. Юртимизда турли ташкилотларда фаолият юритаётган хорижликлар ушбу вокаль курсининг иштирокчиларидир. Вокаль курси (гуруҳи) раҳбари А.Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик катта театрининг солисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шукур Ғофуров. Гуруҳ қатнашчиларининг мамлакатимизда Наврўз, Мустақиллик байрамлари, Янги йил муносабати концертлар билан чиқишлари анъанага айланган. Навбатдаги концертда (концертмейстер Альфия Усмонова) Ўзбекистон-Япония инсон ресурсларини ривожлантириш маркази, Корейс маданият маркази ходимлари, Япон халқаро ҳамкорлик агентлигининг волонтерлари ва бошқалар рус, итальян ва ўзбек тилларида жаҳон классик асарларидан романс, ариялар, ашула ва мусикалар ижро этишди.

Биз С.Юдаковнинг «Майсаранинг иши» операсидан арияларни ўзбек тилида ижро этган

Тошкент Фотосуратлар уйида Икуо Хираяма халқаро маданият карвон саройининг «Буюк Ипак йўли наволари» классик вокаль гуруҳининг «Истиқлол нашидаси» деб номланган концерти бўлиб ўтди.

Тадбирлар

ИСТИҚЛОЛ НАШИДАСИ

Япон халқаро ҳамкорлик агентлигининг волонтери Цугума Фумиакини суҳбатга тортдик ва у билан ўзбек тилида мулоқот олиб бордик. «Бизларнинг миллий кадрларимиздаги яқинлик, — дейди Цугума Фумиаки, — мени руҳлантириб, ўзбек маданияти вакилларининг асарларини ўрганишга чорламоқда. Сизларнинг маданиятингизга нисбатан менда меҳр

бор. Ўзбек тилини ўрганаётган. Маданий алоқаларимиз халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонаман.

Фотосуратлар уйида ижро этилган классик вокаль гуруҳининг концерти санъат ихлосмандларида катта таассурот қолдирди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ЧЕМПИОНЛАР УЛҒАЯЁТГАН МАСКАН

Мирзо Улуғбек туманидаги 31-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Соғлом бола йили ҳамда Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб «Соғлом танда — соғ ақл» деб номланган спорт фестивали бўлиб ўтди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, «Камолот» ЕИХ туман Кенгаши, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда мактаб, мактабларда таълим муассасаларидан жами 300 га яқин умидли спортчи-ўқувчи ва тарбияланувчилар иштирок этди.

Фестиваль «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шiori остида спортнинг футбол, енгил атлетика, эркин кураш, стол теннис, бадий гимнастика ва велоспорт турлари бўйича ўтказилди. Тадбир доирасида ташкил этилган маҳорат сабоқлари, семинар-тренинг ва мусобақаларда ёшлар ўз билим, тажриба ва маҳоратини янада оширди.

— Ёш авлодни жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш ва спорт турларини янада оммалаштириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш асосий мақсадимиз, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали бош мутахассиси, туман вакили Дониёр Курбонов. — Туманда замонавий, қулай шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, мам-

лакат, Осиё ва жаҳон чемпиони айланаётган ёшларнинг йил сайин ортиб бораётгани қувонарлидир. Жумладан, жорий йил Малайзияда ўтказилган жаҳон чемпионатида муай-тай бўйича бронза медал соҳиби, жаҳон чемпиони Қахрамон Оллоберганов, АҚШда ўтказилган халқаро очик турнирда велоспорт бўйича 1-ўринни эгаллаган Отамурод Ўрунов сингари ёшлар тенгдошларида ҳавас туйғусини, уйғотиб, уларни ҳам янги марраларни забт этишга ундамоқда.

Фестиваль давомида туманда амалга оширилган мана шундай ибратли тадбирлар, спорт мусобақалари ва фестиваллар орқали тенгдошларимизнинг жаҳон майдонларида юртимиз байроғини баланд кўтаришга амин бўлди.

Дарвоқе, яқинда Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпиада ўйинларида тумандаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф битирувчиси Владимир Свечниковнинг ўқ отиш бўйича олтин медални қўлга киритгани, шу Олимпиадада Темура Қодировнинг спорт гимнастикаси бўйича 2-ўринни эгаллаб, кумуш медал совриндорига айлангани юртимиз ахли учун хушхабар. Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига аjoyиб тўғфа бўлди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ



Айни кунларда юртимиз бўйлаб улуг айём шодиёнаси кезмоқда. «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шiori остида ўтказилиб, кўнгилларга олам-олам қувонч улашаётган ушбу маънавий-маърифий тадбирларга элу юрт ривож, фаровонлиги йўлида меҳнат қилиб келаётган соҳа мутахассислари таклиф этилиб, уларнинг бой ҳаётий ва иш тажрибалари, умр дафтаридаги битиклар ёшларга ўрнак қилиб кўрсатилмоқда.

ЭЛДА ЭЪЗОЗ ТОПГАНЛАР

Мана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон тарихи давлат музейида Тошкент шаҳар ва Юнусобод туман ҳокимликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви, Маънавий тарғибот маркази туман бўлими, хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси, маданият ва спорт ишлари туман бўлими каби қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда сўз олган Тошкент Давлат юридик университети доценти Р. Қўчқоров «Ким эдигу ким бўлдиқ?», шу университет доценти Х. Азимов «Тинчлик ва аҳиллик мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигининг асосидир», Тошкент Молия институти доценти О.Қамоллов ва бошқалар «Иқтисодиёт тармоқлари ва банк тизимида

барқарор ўсиш суръатларига эришилмоқда» каби бир қатор мавзулар доирасида сўз юритиб, мустақиллик йилларида ҳар бир соҳада қўлга кирилган ютуқлар, забт этилган марралар, ютуқ ва юқори кўрсаткичлар бўйича фахрифтор билан фикр билдириб ўтдилар.

Шунингдек, ушбу тадбирда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни маънан ва жисмонан юксалтириш, ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш мақсадида ёш спортчиларнинг кўргазмалли чиқишлари намойиш этилди. Ёш авлод қалбида ватанпарварлик туйғусини камол топтириш, уларнинг дунёқараши, онгу шуури, келажакка ишончининг янада ошиб бориши, Ватанга бўлган муҳаббат туй-

ғуларини кучайтиришга қаратилган санъаткорларнинг дил сўзлари янгради.

Тадбир давомида Юнусобод туманида ўтказилган тадбирларда фаол иштирок этганлар, маҳалла фаоллари ва тинчлигимиз-осойишталигимиз посбони бўлган ҳарбийлар оилаларига ташкилотчилар томонидан совғалар топширилди.

1-мусика ва санъат мактаби, 250-умумтаълим мактаби ва 307- мактабгача таълим муассасаси ўқувчилари ва тарбияланувчилари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси санъаткорлари ижросида янграган қувноқ, шўх куй ва кўшиқлар йиғилганлар қалбига бир олам шодлик ва кўтаринки кайфият улашди.

Шаҳризода МУХСИМОВА СУРАТДА: Ўзбекистон тарихи давлат музейида ўтказилган тадбирдан лавҳа

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Молия институти 2014-2015 ўқув йилига «Информацион-коммуникацион технологиялар» кафедраси мудири ва куйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант): «Чет тиллари» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Фалсафа ва Ўзбекистонда демократик ҳаёт қилиш назарияси ва амалиёти» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Банк иши» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Банк ҳисоби ва аудит» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Ўзбек ва рус тиллари» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Жисмоний маданият ва спорт» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Менежмент ва маркетинг» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Молия» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Ҳазначилик иши» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Молия бозори ва қимматли қозғалар» профессор, доцент, катта ўқитувчи,

ўқитувчи (ассистент); «Лойиҳаларни молиялаштириш» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Ўзбекистон тарихи» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Информацион-коммуникацион технологиялар» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Солиқлар ва солиққа тортиш» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Сугурта иши» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Иқтисодиёт назарияси» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Касбий таълим» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Бухгалтерия ҳисоби» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Бюджет ҳисоби» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Статистика» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Молиявий таҳлил» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Олий ва амалий математика» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ас-

систент); «Аудит» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Минтақавий иқтисодиёт» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Бизнес ва тадбиркорлик» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Молиявий менежмент» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент) лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда Тошкент шаҳрида доимий руйхатда бўлган, чет тили ва компьютер техникасини мукамал ўзлаштирган, илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, А.Темура шох кўчаси, 60А-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Тел.: 234-83-99
358-84-08

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент автомобиль-йўллар институти 2014-2015 ўқув йилига кафедра мудири, доцент ва катта ўқитувчилар бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. «Электротехника ва электромеханика» кафедраси — кафедра мудири
2. «Чизма геометрия ва графика» кафедраси — кафедра мудири
3. «Кўприklar ва транспорт тоннеллари» кафедраси — кафедра мудири
4. «Фалсафа ва маънавий асослари» кафедраси — кафедра мудири
5. «Назарий механика ва материаллар қаршилиги» кафедраси — кафедра мудири
6. «Автотранспорт ва йўл ҳўжалиги корхоналари иқтисоди ва бошқарув» кафедраси — доцент
7. «Автотранспорт ва йўл ҳўжалиги корхоналари иқтисоди ва бошқарув» кафедраси — доцент
8. «Автотрактор двигателлари ва транспорт экологияси» кафедраси — доцент
9. «Фалсафа ва маънавий асослари» кафедраси — доцент
10. «Касбий таълим» кафедраси — доцент
11. «Автомобиль йўллари ва аэродромлари лойиҳалаш» кафедраси — доцент
12. «Электротехника ва электромеханика» кафедраси — доцент
13. «Чет тиллари» кафедраси — катта ўқитувчи
14. «Автомобиль йўллари ва аэродромлари қуриш ва эксплуатация қилиш» кафедраси — катта ўқитувчи
15. «Информатика ва ахборот технологиялар» кафедраси — катта ўқитувчи

Танловда қатнашиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати:

- Ректор номига ариза.
- Шахсий варақаси.
- Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари.
- Малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномалари нусхаси.
- Илмий ишлар рўйхати.
- Паспорт нусхаси.

Ҳужжатлар даврий табуотда эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темура шох кўчаси, 20-уй.

ТАИИ, Ходимлар бўлими, 156-хона. Тел.: 232-15-29.

ҲУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ҳуқаро (ташкilot)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнида, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора-тадбирлар қўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «ишонч телефони» тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21. Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти



33 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида

Тошкент шаҳрида 4 сентябрь кунини ҳаво вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан зарарли моддаларнинг дан секундида 5-10 метр тезликда шамолясади. Ҳарорат кечаси — 14-16, кундузи — 31- бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.ru

Буюртма Г- 955

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5779 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишиниз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Нашр учун масъул Д. Исроиллов

Босишга топширилди: 15.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Туюр кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ